

СЎЗ МАЪНОЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ СЕМАСИОЛОГИЯ ФАНИ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

Отамурудова Дилафруз Рахмоновна,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Тошкент, Ўзбекистон

Ҳар қандай тилнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ижтимоий ҳодисалар ва жамият тараққиёти билан боғлиқдир. Тил жамиятдан ташқарида яшай олмайди ва у инсониятга хизмат қилади. Тилнинг бошқа ижтимоий ҳодисалардан фарқи инсоният учун алоқа қилиш қуроли эканлигидир.

Тил тинимсиз тараққиётда, ривожланишда бўлади. Лингвистик қонуниятлар инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Энг аввало, лингвистик ўзгаришларнинг сабабини инсоният тарихидан қидирмоқ зарур. [Лопатникова, 1982: 52]

Жамиятдаги ўзгаришлар турли урф-одатлар, фан ва техниканинг тараққиёти натижасида пайдо бўлади. Лингвистик ўзгаришлар эса тилнинг ўзига хос қонун-қоидалри асосида лексикада акс этади. Лексика эса инсон фаолияти билан боғлиқ равишда доим ўзгариб туради. Айни шу жараён француз тилида асосан уч йўл билан амалга ошади:

1) янги сўзлар ясаш; 2) тилдаги мавжуд сўзларнинг маъно ўзгариши лексиканинг ички имкониятлари асосида; 3) бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ҳисобига бойишининг ташқи манбаидир. [Умбаров, 1996:15]

Лексикологиянинг махсус шахобчаси, семасиология, сўзларнинг семантик структураси (маъно тузилишини) ва маъно тараққиётини ўрганadi. Асрлар давомида сўзлар ҳар хил мураккаб ўзгаришларга дуч келди, булар маънонинг кенгайиши ва торайиши, “салбийлашиши” ва “ижобийлашиши”, кучсизланиши ва кичрайишидир. Маъно ўзгариш эволюцияси сабабларини ва қонун-қоидаларини ўрганиш семасиология предметиدير.

Полисемия ҳақиқий борлиқ (реаллик) далилларни онгимизда умумлаштириш қобилиятини очикдан-очик акс эттиради. Француз тилида кўп маънолик асосан, феълларга ва от сўз туркумларига хос хусусиятдир, бу фактни, синтетик тузумдаги тиллар билан таққосланганда, яъни ҳозирги француз тилида, флексив тиллар тузилишидаги каби ясовчи элементларнинг камчилиги билан исбот қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам француз тилидаги бир қанча перифразаларни берадиган феъллар ўзбек тилида бир феъл билан берилиши мумкин. Масалан: **prendre froid**—шамолламоқ, **faire peur à qn**—қўрқитмоқ ва ҳ. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кўп маънолилиқ француз луғат составини таснифловчи ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланади. [Лопатникова, 1982:58]

Француз тилидаги луғатларда *mettre* – қўймоқ ва *prendre* – олмоқ феълларининг 80дан ва *main* – “қўл” ва *tête* – “бош” отларининг 60дан ортиқ маънолари келтирилади ва ҳоказо. Демак, кўп маънолилиқдан феъллар биринчи ўринни отлар эса иккинчи ўринни эгаллайди. Бир неча маънога эга

бўлган ҳар қандай сўз контекстда аниқ бир ягона маънога эга бўлади. Бунга моносемия, бир маънолилиқ дейилади.

Кўп маънолилиқ ва бир маънолилиқ тараққиёт бирлигидир. Онгимиздаги сўзнинг маъноси нутқда, контекстда ойдинлашади. Қўшни сўзларнинг маънолари сўзнинг асл маъносини келтириб чиқаради. Масалан: *Se village a 200 feux* – гапида *қўшни* сўзларнинг маънолари «*feu*» сўзининг асл маъноси эканлиги, яъни ўзининг эскирган маъносида («*foyer*» – хонадон) «*maison*» (уй) сўзига синоним эканлиги англаб олинади ва *Бу қишлоқда 200та(олов)бордебэмас*, балки *Бу қишлоқда 200тахонадон бордеб* таржима қилинади.

Сўз маъносининг ўзгаришига куйидаги ҳоллар сабаб бўлади:

1. Биринчи омил – бу жой (ўрин)омилидир. Сўзнинг асл маъноси ишлатиладиган жойига (ери – *территорияси*, *ҳудуди*) боғлиқ бўлади. Айрим француз шеваларида «*pommier*» (олма дарахти) фақатгина “дарахт” сўзини билдиради, «*jeune homme*» (йигит)сўзи “бўйдоқ” маъносини, «*gronder*» (сўкмоқ) сўзи “демоқ”, “айтмоқ” маъносини, *rusé*(айёр) сўзи “ақлли” маъносини, *différent*(хилма-хил) сўзи “хушфеъл” маъносини англатади.

2. Иккинчи омил – бу вақт (давр) омилидир. Сўзнинг маъноси тарихий тоифа бўлиб, асрлар оша ўзгаради. Масалан: XVасрда *patriote* – (ватанпарвар) сўзи *compatriote* (ватандош) сўзига синоним эди. Ўрта асрлар даврида *franchise* (софдиллик) оти *liberté* (озодлик) сўзига синоним бўлган. [Тимескова, 1967: 17].

Худди шунингдек, *riche* (бой) сифати «*puissant*» (кучли, қудратли) сифатига, *bourgeois*–(буржуа), *citoyen* (фукаро) ва *citadin* (шаҳарлик) сўзлари, “шаҳарда яшовчи” сўзларига синоним бўлган.

3. Учинчи омил – бу ижтимоий омилдир. Бир ижтимоий гуруҳ кўп маъноли сўзларнинг ўзига керакли маъносини ажратиб олади. Мисол учун *couche* (табақа, қатлам), *bloc* (масса, даҳа, мавзе), *orientation* (ўзининг турган жойини аниқлаш, жўнатиш, жойлаштириш) каби маъноларни ифодалайди, бу сўзларда геолог ёки сиёсий арбоб ўзига мос зарур маъноларнигина ишлатади, табиб ёки тарихчи *crise* – инқироз, танглик сўзни ҳар хил англайдилар. Тил ва фикр орасида ўзаро жипслик, узвий алоқа бўлганлиги каби инсон тафаккуи тил, сўз, тушунча ўртасида ҳам узвий боғланиши мавжуд. Тил ўзаро мулоқотда ривожланади. [Polguere A., 2001:7]

Шундай қилиб, ҳар қандай сўз аввало ўз маъносига ва кўчма маъноларга эгадир. Француз тилининг кундалиқ истеъмолда фойдаланадиган лексикасининг аксарияти кўп маънолидир. Кўп маънолилиқ – полисемия айрим сўзнинг маълум бир даврда бир қанча маъноларга эга бўла олишидир. Умумий хислатга эга бўлган бир қанча далилларни, бир қанча нарсаларни кўрсата оладиган сўз айни пайтда бир қанча маънога ҳам эга бўла олади.

Адабиётлар рўйхати

1. Умбаров Н. Ҳозирги замон француз тили лексикологияси. – Тошкент, 1996.
2. Лопатникова Н. Мовшович Н. Лексикология современного французского языка. – Москва, 1982.
3. Timeskova S. Essai de lexicologie du français moderne. – Leningrad, 1967.
4. Polguere A. Notions de base en lexicologie Université de Montreal (Quebec) — Canada, 2001.